

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ВА ЯПОНИЯГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФЛАР ЯКУНИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.



НУҚУС

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 16-ҲАНВАР, №2 (1199)

БИР ЯРИМ
МИНГА ЯҚИН
КОРРУПЦИЯ
ҲОЛАТИ
АНИҚЛАНИБ,
ЖИНОЯТ ИШИ
ҚЎЗГАТИЛДИ.

2-БЕТ

НАҲАҚА СЎРАБ
МУРОЖААТ
ҚИЛГАНЛАРДАН
ПОРА ОЛИШ
БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТЛАР ФОШ
ЭТИЛДИ.

3-БЕТ

ШИРИНЛИК ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИНING
ДАРОМАДИ ҲАМ
ШИРИН БЎЛАРДИ,
АГАР...

10-БЕТ

ЎЗИНИ ДҲХ
ХОДИМИ
СИФАТИДА
ТАНИШТИРГАН
ИККИ КИШИ ҚИСҚА
ВАҚТДА БИР НЕЧА
ФУҚАРОНИ ЧУВ
ТУШИРИБ КЕТГАН.

11-БЕТ



ХАЛҚ ТИНЧЛИГИ
ВА ФАРОВОНЛИГИГА
ХИЗМАТ ҚИЛИШ
ШАРАФЛИ БУРЧДИР

2-БЕТ



5-БЕТ



9-БЕТ

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА...

ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТАНЛАНИШИГА
МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК БИЛАН ЁНДАШИЛГАНИ
САБАБ ИШЛАР ЎЛДА-ЖЎЛДА ҚОЛИБ КЕТГАН.

4-БЕТ



БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ПОРА

Коррупция мамлакатдаги нормал иқтисодий муносабатларга салбий таъсир кўрсатадиган, давлатни инкирозга олиб борадиган жиноятдир. Шу боисдан унга қарши курашиш бугунги кунда бутун дунёда энг долзарб масалалардан бирига айланган.

Ўзбекистонда ҳам ушбу жиноятга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Прокуратура органлари томонидан коррупциянинг барча кўринишларига қарши кенг қамровли кураш олиб борилмоқда.

Эллиқалъа туманида яшовчи Е.Э. Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига муурожаат эт-

ди. У аризасида 2019 йил 25 июль куни «Кобальт» автомашинасини маст ҳолатда бошқаргани бўйича тўпланган ҳужжатларни туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қўп тармоқли поликлиника нарколог шифокори А.А. пора эвазига «босди-босди» қилиб беришни ваъда қилаётганини билдирган эди.



Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва ИИБ ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда ҳақиқатан ҳам А.А. Е.Э.га нисбатан тўпланган маъмурий иш материалларини ИИБ ЙХХБ ходими О.А.га 300 АҚШ доллари миқдоридан пора бериш эвазига ҳал этишни ваъда қилгани маълум бўлди. Тадбир давомида А.А. талаб қилинган пулни Е.Э.дан ўз хизмат хонасида олган вақтида ушланди.

Фуқаро А.А.га нисбатан қўзғатилган жиноят иши суд томонидан кўриб чиқилиб, айбдор қилмишига яраша жазага ҳукм этилди.

Бахтияр АБЕРКУЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси
бўлим бошлиғи

ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Бош прокуратурада байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳамда ҳарбий прокуратура ходимлари иштирок этди.



Тадбирни Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли кучлар олий бош қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш, Қуролли кучларни бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, умуман, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича улкан ишлар қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда прокуратура органлари томонидан Қуролли кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтилди.

Хусусан, 2019 йили ҳарбий прокуратура органлари томонидан мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 9027 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тиклангани, 258 та ноқонуний ҳужжат прокурорларнинг протести асосида қонунга мувофиқлаштирилгани, текширишлар ва жиноят ишлари тергов давомида 80 млрд. сўмдан ортиқ зарар қоплангани айтиб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги фармонида асосан муқофотланган ҳарбий прокуратура бўлим бошлиғи Шуҳрат Санаевга «Шуҳрат» медали топширилди.

Шунингдек, тадбирда Қуролли кучларда қонун устуворлигини таъминлашда алоҳида намуна кўрсатган, хизмат вазифаларини сидқидилдан бажарган бир гуруҳ ходимлар рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз



КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

2020 йилнинг 15 январь куни Бош прокуратурада Бош прокурор раислигида Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, яъни Олий суд раисининг ўринбосари, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, Республика маҳаллалар кенгаши раисининг ўринбосари, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар вазирининг маслаҳатчиси, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари, Мусулмонлар идораси, ДХХ, ИИБ ва Бош прокуратуранинг бошқарма ва тармоқ бошликлари ҳамда масъул ходимлари қатнашди.

Йиғилишда тақиқланган ташкилотларга адашиб кириб қолган 12 нафар фуқаронинг жиноий жавобгарликдан озод этиш

ҳақидаги мурожаатлари кўриб чикилди.

Йиғилишда комиссия аъзолари бир овоздан тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган 11 нафар фуқарони жиноий жавобгарликдан озод этиш ҳақида ҳулоса қилишди, бир кишининг мурожаати қўшимча ўрганиш учун ишчи органга қайтарилмади бўлди.

Жиноий жавобгарликдан озод қилинган 11 кишини Ўзбекистонга қайтариш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, бандлигини таъминлашга қўмаклашиш ҳақида топшириқлар берилди.

Йиғилишда комиссия ва ишчи гуруҳ аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

МИБ ХОДИМЛАРИ БОЛАЛАР ҚУРШОВИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Андижон вилоятида байрам тантаналари ўтказилмоқда.

Ушбу айёмни Мажбурий ижро бюроси Андижон вилояти бошқармаси ходимлари Андижон шаҳридаги 38-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари билан бирга ўтказди.

Болаларнинг ватанини мадҳ этувчи шеърлари бюро ходимларига шижоат бахш этди. Бюро ходимлари ҳам болаларни байрам билан табриклаб, келгусида ватан қорига ярайдиган, баркамол ўғил-қизлар бўлиб етишишини тилашди.

Ойистахон АБДУРАҲМОнова,

МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан 2019 йилда асосий йўналишлар бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган:

- иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ва қонунчиликни тушунтириш борасида **67440** та тарғибот тадбири ўтказилди;
- қонунга хилоф равишда тадбиркорлик билан шуғулланиб келган **4818** нафар шахснинг фаолиятига қонуний тус берилди;
- **8476** нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш (рўйхатдан ўтказиш) ва уни кенгайтиришда ёрдам кўрсатилди;
- **1174** ҳолатда (ЖКнинг 184-моддаси билан жиноят иши қўзғатилмасдан) давлат солиқ идоралари ва тадбиркорлик субъектларига талабнома ва хабарнома юборилиши натижасида бюджетга ихтиёрий равишда **134,2 млрд.** сўм тўланишига эришилди.

Солиқ ва валюта соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида:

- **7 205** та ҳуқуқбузарлик аниқланиб,
- **3 517** та жиноий иш ва
- **3 530** та маъмурий иш қўзғатилди

Шундан:

- **549** та тадбиркорларнинг ҳуқуқи бузилиши;
- **755** та ҳолатда **4,2 трлн.** сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси;
- **1 413** та коррупция ҳолатлари аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди.

Ўтказилган чора-тадбирлар натижасида:

- **1 трлн. 477 млрд. 600 млн. сўм** солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланиб, бюджетга **563,4 млрд. сўм** ундирилиши таъминланди;
- **2095** та валютага оид ҳуқуқбузарлик аниқланиб, **3,3 млн.** АҚШ доллари ноқонуний муомаладан олиб қўйилди;
- **940** та яширин цех аниқланиб, **11,4 млрд.** сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.



Фарҳод ОҶИЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг бўлим бошлиғи

ОҚСОҚОЛ ЖИНОЯТ ҚИЛСА...

Прокуратура органлари кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва ёрдам пулини тайинлаш ҳамда тўлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини ўрганди. Урганиш мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилиши билан бирга, соҳада камчилик ва қонунбузилишларга йўл қўйилаётганини кўрсатди.



Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга, икки ёшга тўлмаган бола парвариши бўйича нафақалар ва кам таъминланган оилаларга ёрдам пули берилшида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган низомга тўлиқ риоя этилмайпти. Ўтказилган текширишда 2017-2018 йиллар ва 2019 йилнинг 1-ярмида маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 10 135 та ҳолатда 11,8 млрд. сўм нафақа ва ёрдам пули низом талаблари бузилган ҳолда тайинланиб, 7,5 млрд. сўми тўлаб юборилгани аниқланди.

Энг ачинарлиси, текшириш ўтказилган 6555 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 4859 тасида ёки 75 фоизда нафақа пули талон-торож қилинган. Жумладан, оила аъзоларнинг ўртача ойлик даромади белгиланган мезондан ортиқ бўлган оилаларга 7646 та ҳолатда 10,1 млрд. сўм маблағ ноқонуний тайинланиб, 6,3 млрд. сўми тўлаб берилган. Масалан, Пастдарғом туманидаги «Кичик Найманча» МФЙда 10,1 млн., «Дўрмонсой» МФЙда 14,1 млн., Поп туманидаги «Найман» МФЙда 32,8 млн., Қамаш туманидаги «Қизилтепа» МФЙда 26,4 млн., «Пахтабод» МФЙда 27 млн.,

Шаҳрисабз туманидаги «Қумқишлоқ» МФЙда 16,6 млн., Шеробод туманидаги «1-Хўжакия» МФЙда 31 млн. сўм нафақа пули ўртача ойлик даромади юқори бўлган фуқароларга ноқонуний тўлангани учун МФЙ раислари ва бошқа мансабдорлар тергов олдидан жавоб бермоқда.

Бундан ташқари, нафақа ва ёрдам пулини тайинлаш учун расмий ҳужжатларни сохталаштириш ҳолатларига барҳам берилмапти. Хусусан, Сароисиё туманидаги «Мирзо Улугбек» МФЙ раиси Б.Р. нафақа тайинлаш бўйича махсус комиссия баёнига сохта маълумот киритиш орқали фуқароларга 21 та ҳолатда 51,7 млн. сўм нафақани ноқонуний равишда тўлаб юборган.

Шунингдек, 1523 та ҳолатда тўлов муддати тутаган оилаларга 953 млн. сўм маблағ асоссиз тайинланиб, 640 млн. сўми тўлангани маълум бўлди. Масалан, Косон туманидаги «Арабхона» МФЙ мансабдорлари тўлов муддатига риоя этмаслик ва нафақа олиш ҳукуқи бўлмаган шахсларга тайинлаш йўли билан 45 кишига 67 млн. сўм бюджет маблағини тўлаб юборгани учун тергов олдидан жавоб бермоқда.

Оилаларнинг моддий ва мулкий ҳолати яшаш жойига чиққан ҳолда ўрга-

вилмасдан 50 та ҳолатда 43 млн. сўм пул тўлаб берилган. Мисол учун, Яққабоб туманида Д.З., Г.Б. ва М.Қ., Сўх туманида Х.Т. ва Ф.Ф.нинг оила аъзосида «Дамас», В.С.да «Спарк», Д.А.да «Ласетти», Янгтер шахрида Д.Т.да «Нексия» автомобили бўлса-да, 4,8 млн. сўмдан асоссиз нафақа тайинланган.

Тайинланган нафақа ва ёрдам пулини тўхтатиш учун асос бўладиган ҳолат-

МФЙларнинг 75 фоизда нафақа пули талон-торож қилинган.

лар юзага келган 822 та ҳолатда 517 млн. сўм нафақа ноқонуний тўлаб берилган. Жумладан, фуқаро Н.Х. 2019 йил 1 февраль куни Россияга ишлаш учун чиқиб кетган бўлса-да, Урганч тумани «Ҳамид Олимжон» МФЙ унга тайинланган нафақа пулини тўхтатмасдан, 2,1 млн. сўмни ортиқча тўлаган.

Ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдорлари нафақа сўраб мурожаат қилган фуқаролардан пора олган қўллаб ҳолатлар аниқланмоқда. 2018 йил ва 2019 йилнинг 10 ойида маҳалла фуқаролар йиғини раислари ёки бошқа мансабдорларининг пора олиши билан боғлиқ 20

та жиноят фош этилган. Жумладан, Ўзбекистон туманидаги «Янгихайт» МФЙ раиси Н.Т. фуқаро М.М.нинг икки ёшгача ва Н.Д.нинг ўн тўрт ёшгача фарзандлари учун нафақа тайинлаш эвазига 500 минг сўм пули пора тариқасида олган вақтида ушланган. Кейинчалик терговда Н.Т.нинг ҳужжатларни сохталаштириш ва мансаб мавқени суистеъмол қилиш йўли билан 32 млн. сўм нафақа пулини талон-торож қилгани маълум бўлди.

Назорат тadbирларида қонунга зид 240 та ҳужжатни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди, 470 киши интизомий, 2604 нафарли маъмурий, 53 нафари моддий жавобгарликка тортилди. 168 та тақдимнома, судларга 17 та даъво ариза-си киритилди, қўпол қонунбузилишлар юзасидан 13 та жиноят иши қўзғатилди.

Етказилган 3,1 млрд. сўм зарар ундирилиб, 4,3 млрд. сўм бюджет маблағи иқтисод қилинди, 82 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Юқоридаги каби қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан ташкилий ҳамда амалий чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Искандар ДАВЛАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

SEKTOR FAOLIYATIDAN

БАРЧАСИ ФАРОВОНЛИК УЧУН

Бугунги кунда Андижон вилоятида прокуратура секторидagi ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва муаммоларини бартараф этиш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Вилоятда прокурор секторлари 200 та фуқаролар йиғини ҳудудини камраб олган бўлиб, улардаги 125 288 та хонадонда яшовчи 723 209 кишининг оилавий шароитини, ижтимоий муҳофазасини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун секторларда 59 та гуруҳ ташкил этилиб, уларга 283 нафар ходим (мутахассис) жалб этилган.

2019 йили ушбу гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш давомида аниқланган 24 598 та муаммо бартараф қилинган. Хусусан, Жалақудук туманидаги 583 нафар ногирон тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 19 нафари ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Андижон шаҳрида истикомат қилувчи Ш.Одилжоновга 0,5 гектар ер берилиб, бино қуриш ва илақдан шойи тўқини ускуналарини сотиб олиши учун 210 минг АКШ доллари ва 600 млн. сўм кредит олишида ёрдам кўрсатилган. Натижада тadbиркор томонидан «РД Силк корпорейшн» МЧЖ ташкил этилди ва 35 та янги иш ўрни яратилди.

Бўз тумани прокурори сектори ҳудудида яшовчи А.Холиқовга тadbиркорлик билан шугулланиш учун «Чашма» МФЙнинг Ободлик кўчасида бино ва 950 млн. сўм кредит ажратилишида қўмақлашилди. Натижада туманда янги «Бўз бройлер» МЧЖ ташкил этилиб, 20 киши иш билан таъминланди.

Шу билан бирга ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган 141 та муаммо бартараф этилган. Масалан, «Нурафшон» МФЙда яшовчи А.Умаровга 25 млн. сўм кредит ажратилган ҳолда унинг хонадонида давлат-хусусий шерикчилиги асосида мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилиши натижасида тарбияланувчилар камрови 66 фоизга кўтарилди.

Булоқбоши тумани «Шохгузар» МФЙда яшовчи Б.Юнусовга ҳам ноль қийматда бино ажратилиб, 708 млн. сўм эвазига давлат-хусусий шерикчилиги асосида «Bright kids» мактабгача таълим муассасаси қурилишида ёрдам кўрсатилди ва 8 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Уйма-уй юриш давомида 24 598 та муаммо бартараф қилинган.

Шу билан бир қаторда республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган 6 та муаммога доир тақлифлар Бош прокуратура томонидан кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Тиббиёт бирлашмаларининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида болалар реанимация ва анестезиология бўлимларини ташкил

этиш ва уларни мутахассислар билан таъминлаш, вилоятдаги Қирғизистон ва бошқа давлатлардан кўчиб келган фуқароларга Ўзбекистон фуқаролигини бериш каби масалалар шулар жумласидандир.

Прокурорлар секторларида Президентнинг бешта ташаббусини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Бўз тумани «Гулистон» МФЙнинг Гулзор кўчасида яшовчи Ф.Дехқоновга 145 млн. сўм кредит ажратилиши ва 4-умумтаълим мактаби ҳудудида шу маблағ ҳисобидан кичик стадион қурилишида ёрдам кўрсатилиб, ёшлар учун футбол тўғараги ташкил этилди. Шунингдек, Булоқбоши тумани «Қумарик» МФЙ Камалак кўчасида яшовчи М.Сиддиқовга тикув машиналари сотиб олиб тadbиркорлик билан шугулланиши учун 30 млн. сўм имтиёзли кредит олишига ёрдам берилди. Бунинг натижасида ҳудуддаги 6 нафар аёл иш билан таъминланди.

Қолаверса, ҳар бир ҳудудда аниқланган муаммоларни ҳал этиш, тadbиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси юзасидан сектор раҳбарларининг халқ депутатлари кенгашлари сессияларида ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилган.

Бундай ижобий ишларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин.

Одилжон ИШАНКУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимига тайинлаш тўғрисида фармонлар қабул қилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам янги уйлар, таълим муассасаларининг бинолари қурилаяпти. Йўллар, кўприклар, инфратузилма объектлари таъмирланмоқда. Вилоят прокуратураси органлари қурилиш-таъмирлаш ишларига оид қонун ҳужжатларининг ижросини таҳлил этиб бормоқда.



КЎЗБЎЯМАЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА...

Давлат раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан вилоятда 108 та ижтимоий соҳа ва сув таъминоти объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши белгиланган. Қарор ижросининг таҳлилий объектлар қурилишига пудратчиларнинг танланиши, қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилиши, объектларнинг белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши, мебель ва бошқа жиҳозларнинг етказиб берилишида бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилганини кўрсатди.

Қурилиш яқунланмагани, давлат қабул комиссияси аъзоларининг жойига чиқиб ўрганиши тизимли ташкил этилмагани ҳамда ҳулоса бериш кечиктирилганлиги тўғрисида бир қатор объектлар белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаган. Жумладан, 2 та мактаб, 7 та мактабгача таълим, 1 та соғлиқни сақлаш муассасасини, 1 та спорт, 3 та сув таъминоти ва 3 та бошқа, жами 17 та объектнинг фойдаланишга қабул қилиш бўйича далолатнома расмийлаштирилмаган.

Ачинарлиси, 2016-2018 йилларда инвестиция дастурига асосан қурилиш-таъмирлаш ишлари охирига етказилмаган 26 та объект хануз фойдаланишга қабул қилинмаган. Хусусан, Данғара туманидаги 2016 йил дастурига киритилган ёнги хавфсизлиги қисми биносининг қурилиши тугалланмаган. 2019 йил инвестиция дастурига киритилган бир қатор объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ўз вақтида яқунланмаган. Чу-

нончи, 1 августда фойдаланишга топширилиши режалаштирилгани ҳолда Сўх туманининг «Офтобру» МФЙдаги МТМ биноси октябрь ойида, Бағдод туманининг «Ойдинбулок» МФЙдаги МТМ биноси ноябрь ойида қуриб битказилган. Сўх тумани тиббиёт бирлашмасида қурилиш ишлари шартномада белгиланган муддатда, 25 август кунини тамомланган бўлса-да, қурилишда йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани сабабли давлат қабул комиссияси далолатномаси тасдиқланмаган.

2016-2018 йилларда инвестиция дастурига асосан қурилиш-таъмирлаш ишлари охирига етказилмаган 26 та объект хануз фойдаланишга қабул қилинмаган.

Буларнинг сабаблари пудратчи ташкилотларнинг танланиши ва объектларга бириктирилишига масъулиятсизлик билан ёндашилганига бориб тақалади. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 январь кунги йиғилиши баёни 3-бандига асосан марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилиши белгиланган объектларга пудратчи ташкилотларни тендер ўтказмасдан, энг мақбул тақлифлар танлови (старлича машина ва механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарурий қурувчи-муҳандисларга ҳамда бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар орасидан) орқали танлаб олишга руҳсат берилган. Вилоят ҳокимининг буйруғи билан танлов хайъати тасдиқланган. Бирок танлов комиссияси томонидан пудратчилар 1-пакет ҳужжатлари олинмасдан, ишчи-рокчиларнинг имконияти тўлиқ баҳо-

ланмасдан танлангани оқибатида вилоят бўйича 78 та объектда жами 622 млн. 800 минг сўмлик бажарилмаган ишлар ҳисоботларга қўшиб ёзилгани ва 131 млн. сўмлик ишлар сифатсиз бажарилгани аниқланди.

Хусусан, 2019 йил инвестиция дастурига асосан Қува туманидаги 19-мактабда 580 ўринли ўқув биносини мукамал таъмирлаш ва 210 ўринли янги бино қуриш учун 2 млрд. 876 млн. сўм пул ажратилган. Ўтказилган танловда қатнашган учта қурилиш ташкилоти

орасидан «Фарғона тараққиёт қурилиш файз» МЧЖни танлаб олишда белгиланган талабларга амал қилинмаган. Танлов жараёнида 1-пакет ҳужжатлари олинмиш ишчилари сони 49 нафарни, машина ва механизмлари сони эса 54 тани ташкил этган. Танловнинг бошқа иштирокчиси «Фар тиб қурилиш» МЧЖ ишчиларининг сони 195 нафар, машина ва механизмлари сони 59 та бўлиб, танлов ғолибига нисбатан фаолият стажи 1 йил, ишчилари 146 та, машина ва механизмлари 5 та кўплиги инobatта олинмаган. Номақбул пудратчи танлаб олингани оқибатида объект қурилишида лойиҳа-сметада кўрсатилган, ҳақиқатда бажарилмаган ишлар ҳисоботга қўшиб ёзилгани аниқланган.

Қурилиш-таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чи-

қишда санитария, ёнги хавфсизлиги ва шаҳарсозлик нормаларига тўлиқ риоя этилмаган. Инвестиция дастури асосида қурилган ва реконструкция қилинган 8 та таълим муассасаси тоза сув тармоғига уланимаган. Хусусан, Қува туманидаги 66-мактаб ва 51-МТМда, Бешарик туманидаги 34-МТМда аҳвол шундай.

Шунингдек, Бешарик туманидаги 50- ва 51-, Данғара туманидаги 5-мактаб, Бешарик туманидаги 17-МТМда қурилиш-монтаж ишлари ёнги хавфсизлиги талабларига риоя қилинмасдан амалга оширилган, смета ҳужжатларига ёнги қарши сув хавзаси қурилиши киритилмаган.

Янги мактабларни мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас. Таъминотчилар жами 1 млрд. 900 млн. сўмликдан зиёд мебель ва бошқа жиҳозларни етказиб бермаган. Ўрганиш давомида улар тўлиқ етказиб берилиши таъминланди.

78 та объектда бажарилмаган ишларни ҳисоботга қўшиб ёзиш ҳолатлари тўлиқ бартараф этилди. Қонун бузилишига йўл қўйган шахслар расман огоҳлантирилди, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди, мутасадди ташкилотларга 21 та тақдимнома киритилди. Бундан ҳулоса чиқарган буюртмачи ва пудратчилар 2020 йил дастурига киритилган объектларни сифатли, бекам-қўст ва ўз вақтида қуриб битказиш ҳамда фойдаланишга топшириш борасида астойдил ишлашлари лозим.

Шамсиддин ТУРДАЛИЕВ,
Фарғона вилояти прокурорининг ўринбосари

JINOYAT VA JAZO

ИШОНЧНИ ПОЙМОЛ ҚИЛГАН ҚУРУВЧИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ана шу масъулиятни ҳис этиб ишлаётганлар юрт ободлигига ҳисса қўшиш баробарида, халқнинг олқишига ҳам сазовор бўлмоқда. Афсуски, айрим қурувчилар ҳақида бундай деб бўлмайд.

Қурилиш бизнесида айланадиган катта пуллар баъзи нопок кимсаларнинг пайтавасига қурт тушириши эҳтимолдан холи эмас.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани судида қурилиш соҳасида фаолият олиб борган масъулиятни чекланган жамият раҳбари А.Ж.нинг жиноий қил-

миши кўриб чиқилди.

Бу шахс қурилиш ҳужжатларига сохта маълумотлар киритиб, катта-катта маблағларни ўзлаштириб келгани фош этилди. Хусусан, А.Ж. дастлаб Тошкент вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси билан тузилган шартномага асосан Зангиота туманида жойлашган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали қабул бўлимида 4 млрд. 498 млн. 723 минг сўмлик реконструкция ишларини бажариши керак бўлган. Шу жараёнда А.Ж. аслида қилинмаган қарийб 8 млн. сўмлик ишлар бажарилгани тўғрисида сохта маълумотнома тайёрлаб, бюджет маблағини талон-торож қилади.

Ҳийласи амалга ошган устумон ўзига ишониб топширилган кейинги объектнинг реконструкциясида ҳам сохтакорлик қилади. У бу сафар Фавқуллода вазирлар вазирлигининг капитал қурилиш бошқармаси билан Тузел-1 мавзесида жойлашган бинони яшашга

мослаштириш учун 19 млрд. 325 млн. 907 минг сўмлик шартнома имзолайди. Қурилиш ишлари жараёнида аслида бажарилмаган 67 млн. 479 минг сўмлик ишлар бажарилгани ҳақида сохта маълумотнома тузади ва шунча пулни талон-торож қилади.

Қинғир ишнинг қийини кинк йилдан кейин ҳам чиқади деганларидек, олиб борилган суриштирув жараёнида А.Ж. яна еттига ҳолатда буюртмачининг ҳаққига хиёнат қилгани маълум бўлди. У турли объектларни қуриш жараёнида 120 млн. 145 минг сўмдан ошқ маблағни ўзлаштириб юборган экан.

Суд ҳукми билан А.Ж.га жарима жазоси тайинланди. У буюртмачиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берди.

Ойбек МУХТОРОВ,
департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Сирдарё вилоятида 2019 йилнинг 11 ойи давомида васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан 289 нафар бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлгани аниқланиб, улардан 94 таси фарзандликка, 114 таси васийликка, 36 таси ҳомийликка берилган. 26 та бола болалар уйига жойлаштирилган.

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги «Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 110-қарори талаблари асосида ота-онаси вафот этган, бедарак йўқолган деб топилган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган фарзандлар васийлик ва ҳомийликка берилиб, уларга бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан ота-онасининг ишлаган давридаги иш ҳақи ёки нафақасига қараб энг кам ойлик иш ҳақининг камида бир баробари миқдорда нафақа пули берилди.

Етимнинг ҳаққига хиёнат қилган қариндошлар унинг уйини сотиб юборган.

Тўлиқ давлат таъминотига олинган болаларга чин етимлик мақоми берилгач, коллеж ёшидагиларга давлат томонидан стипендия, ётоқхона ва коллежга тугатгач, энг кам ойлик иш ҳақининг 105 баробари миқдорда молиявий ёрдам сифатида мақсадли трансфертлар ажратилади. Маҳаллий ҳокимиятлар Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 164-қарорига асосан уларни уй билан таъминлайди.

Вилоят прокуратураси органлари қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиб бормоқда. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, болаларнинг ҳуқуқлари тикланиб, айбдорларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинапти.

Шунга қарамадан масъул идоралар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, улар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига ўз вақтида етказиб бериш, васий ва ҳомий тайинлаш, тарбия муассасаларига топшириш, фарзандликка бериш, нафақа ва уй билан таъминлашда болаларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмоқда. 2019 йилнинг 11 ойида ўтказилган 15 та текшириш натижасига кўра

аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 15 та тақдимнома киритилган, ноқонуний ҳужжатларга 6 та протест келтирилган. 42 киши интизомий, 9 киши маъмурий жавобгарликка тортилган. Судларга 3 та даъво аризаси киритилиб, 30 та боланинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Хусусан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, 2003 йилда туғилган Жаббор Солиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) васийлик ва ҳомийлик органи томонидан 2015 йил сентябр ойида «Болалар шаҳарчаси»га жойлаштирилган бўлиб, ҳокимнинг қароридан болага ота-онасидан Гулистон шаҳар «Бўстон» МФЙ 4-мавзе 49-уйдаги 28-хонадон қолгани кўрсатилган. Аммо унинг яқин қариндошлари ушбу хонадонни ўзлаштириб, бошқа шахсларга

сотиб юборган. Гулистон шаҳар прокуратураси ўтказган текширишда ушбу ҳолат аниқланиб, Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик органи томонидан фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилиши таъминланди. Суд қарорига асосан хонадоннинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилди, бекор қилинган ва Ж.Солиевнинг номига хонадон кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилди.

Бундан ташқари, 2002 йилда туғилган Шаҳзода Нурматова ота-онаси вафот этгани сабабли Қозоғистонда яшовчи қариндошлариникида қолиб кетгани

Тарбияга берилган болаларнинг мулки ҳамда уларга нафақалар берилиши назорат қилиб борилмоқда.

аниқланган. Сирдарё тумани халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тайёрланган ҳужжатлар асосида Сирдарё туманида яшовчи аммаси васий этиб тайинланган ва у Қозоғистондан олиб келиниб аммасига топширилган.

Шунингдек, вилоят халқ таълими бoshқармасига қарашли «Болалар шаҳарчаси»да тарбияланаётган 74 боланинг 59 нафаридан ота-онасидан қолган уйи бўлмагани сабабли уларни қонунда белгиланган



Боласининг таълим олиши ва таъминоти билан шуғулланмайдиган тўрт кишини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича судларга даъво аризалари киритилган.

тартибда уй олувчилар рўйхати киритиш бўйича ҳудудий ҳокимликларга муурожаат қилинган.

Вилоятимизда 152 нафар чин етим мавжуд, уларга давлат томонидан нафақа тайинланган. 289 та оилага тарбияга берилган болаларнинг мулки ҳамда уларга тайинланган нафақалар берилишининг қонунийлиги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан бир йилда камида икки марта ўрганилиб, назорат қилиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 824-қарори ижросини таъминлаш учун васийлик ва ҳомийлик органлари ходимлари тутилган ота-оналар тайёрлов курсида малака ошириб келмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари ота-она қарамоғисиз қолган болаларни аниқлашда халқ таълими бўлимлари васийлик ва ҳомийлик органла-

ри, ички ишлар бўлимлари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, фуқаролик ва жинойт ишлари бўйича судлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, ижтимоий таъминот муассасалари ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Сарвар БАЗАРОВ,
Сирдарё вилояти прокуратурининг ўринбосари

Мамлакатимизда таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиши замирида, аввало ёшларни қомил инсон этиб тарбиялаш мақсади мужассам.

Бухоро вилояти ҳокими ва прокурорининг 2019 йил 9 сентябрдаги ота-она қаровисиз қолган болаларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган тадбирлари кучайтириш тўғрисидаги қўшма фармойиши бўйича Когон туманида қилинаётган ишларга эътиборингизни қаратамиз.

Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари раҳбарлигида 12 нафар аъзодан иборат ишчи гуруҳ тузилган. Туманда ота-она қаровисиз қолган 260 та бола бўлиб, шундан 120 нафарига васийлик, 40 нафарига ҳомийлик тайинланган. Боласининг таълим олиши ва таъминоти билан шуғулланмайдиган тўрт кишини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича судларга даъво аризалари киритилган.

Қаровисиз қолган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш режаси ишлаб чиқилган. Уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим муассасаларида турли мавзуларда танлов ва мусобақалар ташкил қилинмоқда.

Ишчи гуруҳ сабабсиз дарс қолдираётган 7 нафар ўқувчини таълимга тўлиқ жалб қилди, 20 нафар ўқувчининг уйда таълим олиши таъминланди.

Дарсларга мунтазам равишда қатнашмайдиган ўқувчиларнинг сабоқларни ўзлаштириши ва ҳулиқ устида қундалиқ назорат ўрнатилган. Ота-онаси 6 ойдан узоқ муддат чет элда бўлган болаларнинг рўйхати тўзилиб, улар ҳақида васийлик органига хабар бериш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, дарсларга мунтазам қатнашмаётган, юриш-туришида ўзгариш юз берган ўқувчилар билан психологлар суҳбат ўтказмоқда. Беш ташаббус бўйича масъуллар бириктирилган бўлиб, тумандаги барча мактабларда мусика, информатика, жисмоний тарбия, кутубхона ва фан тўғрисидаги таълим ташкил этилган. Аммо тахлиллар ушбу йўналишда камчиликлар ҳам борлигини кўрсатди.

Когон тумани васийлик ва ҳомийлик бўлими тақдим этган рўйхат асосида масъул идоралар билан биргаликда ота-она қаровисиз қолган болаларнинг яшаш шароити ўрганилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда. Тиббий кўрикдан ўтказилган 52 боланинг 25 нафари амбулатор, 10 нафари стационар тартибда даволаниши таъминланган.

Бундан ташқари, хотин-қизлар кўмитаси тузган рўйхат асосида ота-она назоратисиз ва қаровисиз қолган кизлар ўртасида эрта туғруқнинг олдини олиш бўйича 20 нафар кизнинг яшаш шароити ўрганилди. Текшириш натижасига кўра 1- ва 6-мактабнинг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари бешта муҳим ташаббусни амалга оширишда йўл қўйган камчиликларни учун интизомий жавобгарликка тортилди.

Азизбек ЯҲЁЕВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида океанариум барпо этилади. Унда ақула, скат, медуза, саккизоёқ каби йигирмадан ортиқ турдаги ноёб жониворлар парваришланади.



Фарход ЗУФАРОВ, Самарқанд вилояти прокурори

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ – ОЛИЙ САОДАТ

– Фарход Муҳаммаджонович! Аввало касб байрамингиз 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни билан қизгин табриклайман! Сизга ва жамоангизга соғлиқ, ишларингизга омад тилайман.

Бугунги сўхбатимиз фақат рақамлардан иборат ҳисобот эмас, амалий ишларга бағишланган, самимий бўлишига ҳаракат қилсак.

– Раҳмат! Ҳақиқатан касбимиз шарафли, шу билан бирга масъулиятли. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори билан 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни деб белгиланиши биз учун юксак эътироф намунаси бўлди.

Кейинги уч йилда катта ўзгаришлар рўй берди. Давлатимиз раҳбари прокуратура органларини халқ прокуратурасига айлантириш вазифасини қўйди. Шу сабабли соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият янада ортди.

– Байрам муносабати билан фахрийлар билан учрашувлар бўлди. Кўпчилик бугунги шароит ҳақида ҳавас билан гапирди. Шу ҳақда икки оғиз гапириб берсангиз.

– Фахрийларимизнинг ҳаваси бекорга эмас. Бугунги шароит ҳақиқатан яхши. Уни кечаги кун билан солиштириб бўлмайди. Мен ҳам кўп йиллик тажрибага эга катта авлод вақилиман. Кеча ва бугунни таққослашга ҳар томонлама ҳақиман.

«Иш қуролинг сўз бўлса, машаққатнинг оз бўлур» деган нақд бор. Замон билан ҳамнафас ҳолда прокуратура органларининг шароити, техник имкониятлари яхшиланиб, бу иш сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Катта авлод ходимлари яхши эслашади, асосий иш қуролимиз ёзув машиналари эди. Бир неча ўнлаб жилд бўлиб кетадиган жиноят ишлари ва бошқа материалларни ёзиш учун тунларни тонгга улардик. Бир саҳифани ёзиб тугатар чоғда хато ўтиб қолса, шу саҳифани қайта ёзишга тўғри келарди. Айниқса, битта ҳолатни ўн марта лаб кўчириб ёзиш-чи? Бу захматларни бугунги ёшлар тасаввур қилолмайди. Мен ҳали озгинасини айтдим, ҳолос. Бу ёқда фотоаппаратлар, мовё ёзиш ускуналари, криминалистика ашёлари... Ҳаётимизга компьютер техникалари кириб келганда энг кўп хурсанд бўлганлар бизнинг соҳа ходимлари бўлса керак.

Бугунги кунда тизим энг янги компьютерлар билан таъминланган. Айниқса, интернет тармоғи, юқори сифатли телефон алоқаси, электрон ҳужжат алмашиш тизими катта қулайлик яратаяпти.

Илгари иш шароити ҳам ўзига яраша эди. Аксарият туман ва шаҳар прокуратуралари мослаштирилган биноларда иш юритарди. Четдан келган ходимларнинг яшаш шароитини ҳеч ким ўйламади. Ҳар ким ўзи ижарага уй топиб жойлашар, базилар узоқ масофадан қатнаб ишларди. Иш кабинетига ётиб ишлаганлар қанча. Овқатланиш ҳам муаммо эди, фақат кўчадаги ошхоналарга боришга тўғри келар, бу эса қатор ноқулайликлар келтириб чиқарарди. Бу, биринчидан, каттагина харажат, иккинчидан, вақтни исроф қилиш дегани, учинчидан, чекка туманларда кечга бориб ошхоналар ёпилиб қолгани учун оч-наҳор ишларди. Чунки ярим кечгача ишлаш ходимлар учун оддий ҳол эди.

Бугунги кунда прокуратура биналари янгидан қурилди ёки реконструкция қилинди. Уларда ҳар бир ходимга вазифасига мос шароитли алоҳида хона, янги мебеллар, фуқароларни қабул қилиш хонаси мавжуд. Ҳовлилар ободонлаштирилган. Гулзорлар, мевали дарахтлар яшнаб турибди.

Барча шароитга эга ошхоналар ишлаб турибди. Ҳам вақт, ҳам маблағ тежалаяпти. Бирга овқатланиш фикр алмашиш, айрим масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек аҳилликка замин яратаяпти.

Узоқдан келиб ишловчилар ҳамда иш қўпайган чоғларда кеч қолганлар, қизгин иш пайтида чарчаганлар дам олиши учун барча шароитга эга меҳмонхоналар мавжуд.

Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ёш ходимлар уй, машина олиши учун имтиёзли кредитлар ажратилаяпти. Яхши натижага эришган ходимлар ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириб берилмоқда.

Бундай шароит нафақат фахрийларнинг, бошқа касб эгаларининг ҳам ҳавасини келтириши табиий. Лекин масъулият ҳам шунга яраша.

– Прокуратура органлари коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида туради. Бировга ақл ўргатиш учун аввало ибрат бўлиш лозим.

Шу маънода тизимнинг ўзида коррупцияга қарши қандай курашилмоқда?

– Юқоридаги айтганларимнинг ҳаммаси тизимда коррупцияга қарши курашишга қаратилган. Коррупция қачон авж олади? Ходим ўз меҳнати самарасидан қоникмаса, жонини жабборга бериб ишласа-ю ўзида маиший муаммолари кийнаб турса, фидокорона меҳнати қадрланмаса...

Бугунги кунда раҳбариятимиз ходимларнинг муаммоларини ҳал этишга катта эътибор бераёпти. Ходимларимизнинг катта қисми ёшлар. Энди тасаввур қилинг, олий ўқув юртини тугатиб нуфузли органга ишга кирган ходим яхши шароитда ишласа, иш ҳақи етарли бўлса жону дили билан ишлайдими? Фидойийлик

билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2019 йили кенг камровли ишлар амалга оширилди. Битта сўхбатда бу ишларни акс эттириб бўлмайди. Шунинг учун фаолиятимизнинг айрим жиҳатларига тўхталамиз.

Аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида қўрилган чоралар, шунингдек давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш натижасида 9 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўланди ва 3,5 минг кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Нохайликка учраган фуқаро жамиятдан, давлатдан норози бўлади. Ҳамма нарсадан кўнгли

билан ишлагандан кейин албатта яхши натижаларга эришади. Шундай пайтда раҳбарият унинг меҳнатини қадрлаб рағбатлантириб турса янада руҳланади. Натижада аста-секин лавозими, унвони, жамоадаги обрўси ошиб бораверади. Энди шундай ширин ва мазмунли ҳаётини гаровга қўйиб кимнингдир чойчақасига учади деб ўйлайсизми? Тўғри, беш қўл баробар эмас, лекин ишонч билан айтаманки, ходимларимиз бугунги муваффақиятларининг қадрига етадиган даражада фаросатли.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш борасида янги амалиёт йўлга қўйилди. Кимдир прокуратура ходими га қанчадир пул таклиф қилса, ходим бу ҳақда раҳбарига маълум қилади ва дарҳол тадбир уюштирилади. Пора берувчи кимса пул бераётганда қўлга оли-

совуган инсон жамиятга фойда эмас, зарар келтира бошлайди. Йил давомида 3,5 мингдан зиёд фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, уларни қонун ҳимоя қилишини исботлади. Демак, шунча одамда ватанга ҳурмат, қонунга ишонч ҳисси юксалди. Аслида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи биз учун катта аҳамиятга эга.

Ўтказилган текширувлар ва жиноятларни тергов қилиш жараёнида 107 млрд. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди. Қўпол қонунбузилишлар бўйича 356 та жиноят иши қўзғатилди. Ўтказилган зарарнинг ундирилиши ҳам катта профилактик тадбир. Ҳолатни кўриб турган ва зарар етказишга мойил кимсалар фикридан қайтади, «барибир ундириб оларкан, давлатнинг пули беэга эмас экан» деб ўйлайди.



нади ва жавобгарликка тортилади. Ходим эса фидойийлиги, касбига содиқлиги, прокуратура органлари шаънига доғ туширмагани, коррупцияга қарши курашга ҳисса қўшгани учун ўша таклиф қилинган сўмма миқдорига қонуний муқофот олади. Бунга бир нечта мисол келтиришимиз мумкин. Бу амалиёт ҳам катта натижа бераёпти.

Демак, ҳалол ишлаш – фаровон ҳаёт ва порлоқ келажақ гарови. Буни ходимларимиз яхши тушунади.

– Сўхбатимизни бевосита вилоят прокуратурасининг фаолияти мавзусида давом эттирсак. 2019 йилдан кўнглингиз тўлдими? Қонун устуворлиги қай даражада таъминланди?

– Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун

Шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш, бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, муҳтож оилаларни ёрдамга муҳтож оилалар сони ҳам камаяди. Булар ҳаммаси бир-бирига узвий боғлиқ. Бир камчилик иккинчи хатони келтириб чиқаради, бир яхшилик иккинчи яхши ҳолатга замин яратади.

Прокурорларнинг ёрдами билан 75 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 2921 киши иш билан таъминланди ва 7400 кишига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Иш билан таъминланган ҳар бир инсон аввало оиласи, қолаверса, жамиятга фойда келтира бошлади. Жуда кўп иллат бекорчиликдан келиб чиқади. Шу билан бирга, инсон ишлаб даромад ола бошлагач, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар сони ҳам камаяди. Булар ҳаммаси бир-бирига узвий боғлиқ. Бир камчилик иккинчи хатони келтириб чиқаради, бир яхшилик иккинчи яхши ҳолатга замин яратади.

– Тўғри айтдингиз. Сухбатимиз бошидаёқ амалий ишлар ҳақида гаплашамиз деб келишган эдик. Вилоят прокуратураси асосий фаолиятдан ташқари яна қандай яхши ташаббусларга қўл урди?

– Пайарик туманининг Накурт қишлоғида 18 минг киши яшайди. Ана шу аҳолининг етти минг нафари айни кучга тўлган, ишлайман деган ёшда. Лекин аксарияти бекор. Дехқончилик қилишга сув йўқ, саноат йўқ. Атроф фақат кир-адирлик. Туман маркази эса 40-60 километр узоқда, қатнаб ишлаб бўлмайди. Шунингдек, у ерда тоза сув ҳам катта муаммо экан. Энг ачинарлиси, шундай катта қишлоқда мактабгача таълим муассасаси йўқ, болалар кўча чангитиб катта бўлар экан.

Худуднинг муаммоларини батафсил таҳлил қилдик. Қиймати 2,5 млрд. сўмлик 180 ўринли мактабгача таълим муассасаси қурилди.

Учта сув иншооти қурилиб, 18 км. масофага сув тармоғи тортилди. 650 та хонадон, учта мактаб, битта МТМ ва иккита КВП тоза сув билан таъминланди.



Фойдаланилмай келинаётган лалми ерларни ўзлаштириш мақсадида 20 та кудук қазилди. 50 га ерда 12 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилди. Натижда 500 дан ортққ ёшлар иш билан таъминланди.

– Сухбатимиз давомида асосан ёшлар масаласида кўпроқ фикр юртайсиз. Дарҳақиқат, ёшларга эътибор келажакка эътибордир.

– Юқорида ёш ходимларни тўғри тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш орқали ишчан жамоани шакллантириш ҳақида гапирганим. Ҳозир эса ишсиз ёшларни иш билан таъминлашнинг ёшларлари ҳақида гаплашдик. Энди масалага янада кенгрок ёндашамиз.

Прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда 750 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди. 230 та текширув якуни бўйича 3800 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди.

Вилоят прокуратураси томонидан дастур ишлаб чиқилиб, Президентимизнинг бешта ташаббуси ижроси бўйича меҳрибонлик уйларида «Умид» ва «Лочи» футбол жамоалари, шашка, шахмат, муайтай, ўзбек қўл жанги спорт секциялари, «Ёш китобхон» каби тадбирлар ташкил этилди. Уларга тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар бириктирилиб, турли мусобақалар уюштирилди.

Эътибор қилаёйсизми, ўрта мактаблар, мактабгача таълим муассасаларини тўлиқ камраб олган ҳолда, меҳрибонлик уйлари ҳам кириб бораётир. Аслида уларга кўпроқ меҳр кўрсатиш керак.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар натижасида вояга етмаганлар содир этган жиноятлар 2018 йилда 8 фойз, 2019 йилда 39 фойз камайишига эришилди. Тиббиётда касални даволашдан кўра, унинг олдини олган маъқул деган гап бор. Биз фарзандларимизни ёшлигидан тўғри тарбиялаб борсак, бунинг роҳатини ҳам ўзимиз кўраемиз.

«Нидо» газетаси муҳбири
Азимжон ҚОДИРОВ сўхбатлашди

NAZORAT

ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИНГ ҲИСОБИ БОР

Айни вақтда мамлакатда аҳолининг сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, қолаверса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ердан унумли фойдаланиш ва унинг талон-торож қилинишининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.



Шуни эътиборга олган ҳолда Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан худудда текшириш ва мониторинглар ўтказиб борилмоқда. Маълум бўлишича, жойларда ерларни ноқонуний ажратиш ва ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳолатлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан вилоятда сектор раҳбарлари бошчилигида масъул идоралар ходимларидан иборат гуруҳлар тузилган. Ўтказилган ҳатлов давомида ер билан боғлиқ бир қатор қонуنبузилишлар аниқланган. Жумладан, вилоят бўйича 11179 та ҳолатда 1409 га ер ноқонуний эгаллаб олинган. Шундан 517 га ерда 5463 та ноқонуний қурилиш қилинган. 367 та ердан фойдаланувчига ажратиб берилган 8776 га ер учун ижара шартномаси тузилмаган.

Туман ҳокимларининг қонунга зид равишда қабул қилинган қарорлари билан турли-субъектларга 154 га ер ажратиб берилган. Прокурорлар томонидан мазкур қарорларни бекор қилиш ҳақида протестлар келтирилди. Масалан, Тошкент тумани ҳокимининг қарори билан Чоштепа қишлоғидаги «Тургунбой соҳибкор агро» агрофирмаси худудидан 3,60 гектар суғориладиган ер логистика шохобчаси ҳамда экспортга йўналтирилган мева-сабзавотларни кайта ишлаш корхонаси биноларини қуриш учун «Gamma trade» МЧЖга ажратиб берилган.

Ўрганишларда 174 та ҳолатда 42 га ер ноқонуний равишда муомаладан чиқарилгани аниқланган. Масалан, Янгийўл тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мансабдорлари Тинчлик масивидagi «Рихсибой Файз» фермер хўжалигидан 2016 йил 12 майда захирага қайтариб олинган, балл бонитети 64 бўлган 1,46 га ерни фермер хўжалиқларига бириктириб бериш чорасини кўрмасдан ва ҳисоботларда акс эттирмасдан яшириб келишган. Оқибатда мазкур ерни 10 нафар фуқаро ноқонуний тарзда эгаллаб олиб, бинолар қурган. Улар ҳужжатларни қалбақлаштириб Янгийўл туман ҳокимининг қарорлари қабул қилинишига эришиб, мулк ҳуқуқини қўлга киритишди. Мазкур ҳолат юзасидан Янгийўл тумани ер ресурслари давлат кадастри бўлими, «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси Янгийўл тумани филиали мансабдорлари, «Туябўғиз» МФЙнинг собиқ раиси ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорларга нисбатан ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Бундай ҳолатлар Ўртағачирик туманининг «Ўртасарой», «Эвалеко», Зангиота туманидаги «Рамодан», Янгийўл туманидаги «Чортоқ», «Қирсадоқ» ва «Пахта», Қибрай туманидаги «Чинор» МФЙ раислари ҳамда шу туманларнинг «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси масъул шахслари томонидан ҳам содир этилган. Қайд этилган ҳолатлар юзасидан бешта жиноят иши кўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Ер кодексининг 84-моддаси талаблари бажарилмасдан, айрим масъул шахслар ўз ваколатларини суниестемол қилишган. Хусусан, Тошкент туманида жойлашган Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори ўринбо-

сари Ч.Туропов томонидан сохталаштирилган хатта ва ер ажратиш комиссиясига раислик қилган туман ҳокими ўринбосарининг ижобий ҳулосасига асосан 2018 йил 1 июнда Тошкент тумани ҳокимининг қарорига ўзгариштириб киритилиб, унга биноан Дархон кўрғонидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган 2 га ер яқка тартибда уй қуриш учун ажратилиши белгиланади. Мазкур ҳолат юзасидан туман ҳокимининг собиқ ўринбосари ва Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосарига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, судга юборилган.

Ўрганиш жараёнида ердан фойдаланувчилар ер участкаларидан бошқа мақсадларда фойдаланишгани ҳам аниқланган. Масалан, Тошкент туманидаги «Абдулҳалил мурувват агро» фермер хўжалиги раҳбари фойдаланувчига 0,74 гектар суғориладиган ерни фуқароларга уй қуриш учун тақсимлаб берган. «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси Тошкент тумани филиали масъул шахслари шу ерда ноқонуний равишда қурилган бино ва иншоотларга кадастр ҳужжатини расмийлаштириб берган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, судга юборилган.

Шунингдек, Қибрай туманидаги «Тошкент овози» фермер хўжалиги раҳбари О.Эшназаров «Чинор» МФЙ раиси Н.Йўлдошева билан жиний тил бириктириб, фойдаланувчига ерининг 0,20 гектарини икки фуқаро номига қалбаки ҳужжатлар асосида уй-жой қуриш учун расмийлаштириб бериб, хар бирдан 80 минг АҚШ доллари олган. «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси Қибрай тумани филиали масъул шахслари сохта уй кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб берган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, фермер хўжалиги раҳбари О.Эшназаров қамоққа олинган.

Ўтказилган ҳатлов натижасида аниқланган қонуنبузилишларни баргараф этиш чоралари кўрилди. Хусусан, 718 та ҳолатда ўзбошимчилик билан эгалланган 210 га ер қайтарилди ва 232 га ерда қурилган 1595 та қурилма баргараф этилди. 78 га ердаги 1024 та ноқонуний қурилишни буздирши ҳақида судларга даъво аризаси киритилди. Ҳокимларнинг 61 та ноқонуний қарори туман прокурорларининг протестига асосан бекор қилиниб, 158 га ер захирага қайтарилди. 81 та қишлоқ хўжалиги корхонаси билан ер ижара шартномаси тузилиши таъминланди. Захирада турган 666 га ер 12 та қишлоқ хўжалиги корхонасига берилди. Самарасиз фойдаланиб келинган 108 га ер захирага қайтарилди.

Туман ва шаҳар прокурорлари томонидан қонуنبузилишларни баргараф этиш ҳақида 75 та қонуннома киритилди. 60 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонуنبузилишлар юзасидан 16 та жиноят иши кўзгатилиди.

Ер иктисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида асосий манбадир. Ундан самарали фойдаланиш орқали юртимиз фаровонлиги ва дастурхонимиз тўқинлиги таъминланади. Демак, хар қарич ерни асраб-авайлашимиз, ундан оқилона фойдаланишимиз керак.

Салом САМАДОВ,
Тошкент вилояти прокурори

АСКАР ҲУШЁР – ТО АБАД МИЛЛАТ ОЗОД, ЮРТ ОБОД!

Ватан остонадан бошланади. Буюк аждодларимиз юрт ҳимояси йўлида шаънини, орини, иймонини ўртага қўйиб, ёвга қарши курашган. Замонлар, маконлар ўзгарса-да, ватанга муҳаббат, садоқатнинг моҳияти асло ўзгармайди. Юрт мустақиллиги ва халқ озодлиги йўлида азиз жонини фидо қилган Нажмиддин Кубро, Жалолоддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур сингари довурак боболаримизнинг жасоратини ҳеч қачон унутмаймиз.

Ватан меҳри, соғинчи жуда юксак туйғу. Бир умр ўз қишлоғи, маҳалласидан узоққа бормаганларга бу тушунча балки бегонадир. Лекин ўзга юртларда одам кўп ўтмай оиласини, юртини соғинади. Демак, биз шу тупроққа кўринмас ришталар билан боғланганмиз. Шундай экан, ватанимизни, киндик қонимиз томган жойни мўътабар деб билишимиз, ёмон кўзлардан асрамоғимиз лозим.

Ўзбекистон истиклолга эришганидан сўнг жаҳон талабларига жавоб берадиган, замонавий қурол-яроғ, техника ва ҳарбий мутахассислар билан таъминланган профессионал армиямиз шаклланди. Ҳарбий тузилмаларда миллий кадрларимизга мос маънавий муҳит яратилиб, ҳарбий хизматга ён-

дашув тубдан ўзгарди. Қўшин сафларини тўлдириш тартиби такомиллаштирилди.

Бу жараёнда юксак салоҳиятли, бақувват ва билимли кадрлар тайёрлаш масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Шу мақсадда юртимиздаги олий ҳарбий билим юрглари, ҳарбий йўналишдаги лицейлар фаолияти такомиллаштирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Айниқса, сержантлар мактабларига соҳанинг барча бўғинлари учун ҳар томонлама етук кичик командирлар тайёрланаётгани нур устига нур бўлмоқда. Бугунги сержант армиямизнинг қудрати ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган, аскарларнинг устози ва маслаҳатчиси, офицерларнинг

яқин кўмакчиси, ҳам мураббий, ҳам кичик командирдир.

Ҳозирги кунда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик, Самарканд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик ўқув муассасаларида, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида замонавий билим ва мутахассисликларга эга етук ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда.

1994 йилда асос солинган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти 2019 йилда Қарши шаҳрида қайта ташкил этилди.

– Муассаса ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари учун етита йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлайди, – дейди Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва ҳарбий ҳаво кучлари кўшинлари кўмондони, генерал-майор Аҳмад Бурхонов. – Олий ҳарбий авиация билим юртининг айнан Қарши шаҳрида ташкил этилиши, аввало курсантларга мамлакатимиздаги энг йирик ҳарбий аэродромлардан бири – Хонобод аэродромида ҳарбий ҳаво кемаларини бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича машғулотлар олиб бориш имконини беради. Бу эса ҳарбий учувчиларнинг



профессионал даражасини ошириш, авиация ҳамкорлигидаги дала-ўқув машғулотларини реал вазиятларга яқинлаштирган ҳолда олиб боришда муҳим ўрин тутди. Билим юртида юксак маҳоратли мутахассислар етишиб чиқиши учун барча шароитлар муҳайё.

Ўзбекистон Қуроли кучлари академиясида малакали офицерлар тайёрлаш, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, ҳарбий таълимни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2012 йили Тошкент тиббиёт академияси хузурида ташкил этилган ҳарбий тиббиёт факультети интеллектуал салоҳиятли, юксак малакали тиббий хизмат офицерлари, резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлашга хизмат қилаёпти.

Қуроли кучлар ислоҳ қилиниб, армиянинг ташкилий тузилмалари қайта қўриб чиқилди. Қуроли кучларини тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди.

Қўшинларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар тайёрликни ошириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тубдан яхшиланди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун армиямиз юртимизда ҳукм сураётган осойингаллик, фаровонлик ва тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилаётир. Ўз навбатида соҳага қаратилаётган эътибор туфайли бутун ватан ҳимояси ҳар бир юртдошимиз учун шон-шараф ишига айланди.

Худоба шукур, юртимиз тинч, тунларимиз осуда. Бир неча кунга узоқ сафарга кетсак ҳам, ҳар куни эрталаб кетиб, кечқурун ишдан қайтсак ҳам оиламиздан кўнглимиз хотиржам. Шундай пайтларда тинчлик нақадар улуғ, бебаҳо неъмат эканлигини англаб етасан киши.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нидо»



JARAYON

Меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга тенг имконият бериш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан биридир.

ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ҳарбий хизматчиларнинг меҳнат билан банд бўлмаган оила аъзолари ва бир йиллик ҳарбий хизматни тамомлаб қайтган ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар марказида шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ўтказди.

Ўттиздан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг 300 та бўш иш ўрни билан қатнашган ярмаркада 100 дан ортиқ фуқаро ишга жойлашish учун йўлланма олди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари ярмаркага келган фуқароларга бўш иш

ўринлари, ижтимоий таъминот, ҳарбий хизматчиларни уй билан таъминлаш, хизмат уйини хусусийлаштириш, вақтинча рўйхатда туриш, мактабгача таълим, тиббиёт ва шу каби бошқа масалалар юзасидан батафсил тушунтириш беришди.

Тадбирда Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ходимлари, шаҳар мактабгача таълим ва халқ таълими бўлими, ички ишлар бўлими, Ёшлар иттифоқи Чирчиқ шаҳар кенгаши, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Отабек ХОЛБОЕВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурори

САЙЁР ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабргаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда Бухоро гарнизонидаги олис ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига сайёр хизмат кўрсатиш тадбири ўтказилди.

Тадбирда 200 дан ортиқ киши қатнашди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш, солиқ тўловчининг идентификация рақамини олиш, солиқдан қарзи бор ёки йўқлигини аниқлаш каби 36 турдан ортиқ хизмат кўрсатилди. Шунингдек, уларни кизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Олис ҳудудларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари давом этмоқда.

Улуғбек АБДИРАХИМОВ,
Бухоро ҳарбий прокурори

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш орқали судларнинг қонунга зид ҳужжатлари аниқланиб, уларни қонунларга мослаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга ёрдамга муҳтож шахсларнинг манфаатини кўзлаб судларга даъво аризалари киритиш орқали уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинаёпти.

Бугунги кунда фуқаролик суд ишларини юритиш амалиёти умумлаштирилиб, қонунларни такомиллаштиришга оид тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, қарз шартномасига оид суд қарорларидан норози бўлиб ёзилган муножаратларни ҳал этишда қонун нормаларини қўллаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Баъзан қарз шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, яъни қарз шартномаси мажбуриятини бажариш муддати аниқ белгиланмаган ҳолатларда мажбуриятни ижро этиш муддатини аниқлашга доир қонун нормаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари учраб туради. Масалан, С.Турдиев Шайхонтохур тумани ИИБ бошлиғи номига ёзган тунштириш хатида 2007 йилда тадбиркорлик қилиш учун ўзаро келишиб А.Камоловдан 12000 АҚШ доллари олганини билдириб, шу пулни қайтаришни маълум қилган. Пулни бериш муддати кўрсатилмаган. Суд қарор қабул қилишда Фуқаролик кодексининг 242-моддасига кўра мажбуриятни кредитор талаб қил-

ган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариш мажбуриятини юклаган.

Албатта, қарз шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишда мажбуриятни ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг 735-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтаришни талаб қилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши кераклиги инобатга олиниши лозим.

Гаров шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашга оид ягона суд амалиётини жорий этишга ҳам эҳтиёж мавжудлиги сезилаёпти. Масалан, банк билан «Тежамкор» МЧЖ ўртасида 2018 йил 9 январда тузилган кредит шартномасига асосан банк жамиятга трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга хомашё сотиб олиш учун 18 ой муддатга йиллик 19 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 200 млн. сўм кредит ажратган. Кредит таъминоти сифатида гаров шартномасига асосан 108 млн. 910 минг сўмга баҳоланган «Мерседес Бенц» автомашинаси

ва ипотека шартномасига асосан 141 млн. 90 минг сўмга баҳоланган кўчмас мулк гаровга қўйилган.

Банк даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, «Тежамкор» МЧЖ кредит мажбуриятини бажармагани, яъни банкдан 10 млн. сўм қарзи мавжудлиги, шунинг учун ундирувни 108 млн. 910 минг сўмга баҳоланган «Мерседес Бенц» автомашинасига қаратиб беришни сўраган. Суд томонидан Фуқаролик кодексининг 279-моддаси ҳамда «Гаров тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига кўра, агар қарз ундирувга қаратилаётган мол-мулкнинг арзимас қисмини ташкил этса, ундирувни гаров мулкига қаратишни рад этиш мумкинлиги инобатга олиниб даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Бундай турлагли низоли ҳал этиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, баъзан ундирилиши лозим бўлган қарз миқдоридан катъи назар ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бунинг асосий сабаби Фуқаролик кодексининг 279-моддаси ҳамда «Гаров тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддаси талабларининг

мавҳум белгиланганидир. Чунки ушбу моддалардаги «гаров мулкнинг арзимас қисми» деган жумла мавҳумлигини келтириб чиқаради, натижада ушбу норма судлар томонидан вазиятга қараб турлича қўлланиши мумкин.

Айрим давлатларнинг қонунчилигида ундирувни гаров мулкига қаратишда қандай ҳолатда ёки қанча миқдордаги қарз бўйича ундирувни гаров мулкига қаратиш мумкин эмаслиги аниқ белгилаб берилган. Масалан, Россия Фуқаролик кодексининг 348-моддасида агар қарзни тўлаш бўйича ўтиб кетган муддат уч ойдан кам бўлса ҳамда ундирилиши лозим бўлган қарз гаровга қўйилган мулк суммасининг 5 фоизидан кам бўлса ундирувни гаров мулкига қаратиш мумкин эмаслиги белгилаб берилган. Қонундаги бундай аниқлик албатта ягона суд амалиётини йўлга қўйишга имкон яратади.

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

NAZORAT

ГЎШТ НАРХИ ОШИШИНИНГ ЯНА БИР САБАБИ

Мамлакатимизда пахтачилик билан бирга бошқа экинлар етиштиришнинг кенгайтирилиши, боғдорчилик, асаларчилик, чорвачилик, паррандачилик ривожланиётгани озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорларимизнинг тўқинлигига, нарх-наво арзонлигига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, чорвани кўпайтириш давлат томонидан рағбатлантирилаётгани аҳолининг гўштга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Бироқ айрим ҳолларда гўшт нархининг ошиши эътирозга сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

Хоразм вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларида чорва қорамолни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан Янгиариқ тумани ҳокимлиги томонидан 2018 йилда ва 2019 йилнинг 6 ойи давомида қилинган ишлар ўрганилди. Бу жараёнда айрим қонунбузарликлар аниқланди. Жумладан, туманда қорамол ва паррандалар сони белгиланганидан кам. Статистика бўлимига нотўғри маълумотлар тақдим қилинган. Ем-хашак экинлари екиш учун ажратилган ерлардан самарасиз фойдаланган ҳолатлар мавжуд. Аксарият фермер хўжаликларида қорамол ва паррандалар фермер хўжалиғи раҳбарининг уйида сақланаёпти. Наслчилик ва сунъий қочирish ишлари талабга жавоб бермайди.

Бундан ташқари айрим муҳим вазифалар ўз ҳолига ташлаб қўйилиши натижасида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидаги ҳақиқий ҳолатини ўрганмаслик, уларга ертиқча ер ажратилиш, озуқа экинларини экмаслик, экинларнинг ҳисобини юритмаслик, статистика бўлимига сохта ҳисобот топшириш, шולי экинни экиб фойдаланиш мақсадига қорамол ва парран-

да сонини ошириб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган.

«Фермер хўжалиғи тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига кўра чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиғи камида 30 та чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Тумандаги чорвачиликка ихтисослаштирилган 8 та фермер хўжалиғига жами 39 гектар ер қонунга зид равишда ажратилгани аниқланди. 13 та фермер хўжалигининг қорамоллари сони 30 тадан кам бўлса-да, меъёридан ортиқча жами 423,4 гектар экин майдони ажратиб берилган. Айниқса, 16,9 гектар ерга эга «Шахноза Шаҳрузбек», 12,2 гектар ер ажратилган «Кўриқтом балик», 10 гектар ер ажратилган «Раҳманова Индира» фермер хўжаликларида битта ҳам қорамол йўқлиги ажабланирлидир. Бундай ҳолатларга «Гуллибоғ парранда», «Феруз Файз Бек» фермер хўжаликларида ўтказилган мониторинг ҳам дуч келинди.

Ўтказилган мониторингда тумандаги 8 та фермер хўжалиғига 313 та қорамол бўлган ҳолда, туман статистика бўлимига 485 та қорамол мавжудлиги ҳақида ҳисобот тақдим этилган. Масалан, «Прогресс қўриқтом» фермер хўжалиғига ҳисоботда 28 та (ҳақиқатда 10 та), «Янгиариқ элит чорва» фермер хўжалиғига ҳисоботда 69 та (ҳақиқатда 46 та), «Шихбоғлик Адхамбек» фермер хўжалиғига ҳисоботда 88 та (ҳақиқатда 44 та) қорамол бор деб кўрсатилган. Олтинта фермер хўжалиғига умуман қорамол бўлмагани ҳолда ҳисоботларда 134 та қорамол мавжудлиги акс эттирилгани янада ачинарлидир.

2018 йилда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиғида туман ҳокимлиги тасдиқлаган дастурга асосан жами 758,9 гектар майдонга асосий экин сифатида ем-хашак экинлари екиш режалаштирилган бўлса-да, амалда 184 гектар ерга экинган. Айрим фермерлар ем-хашак ўрнига шולי етиштиришни афзал билган.

Бу каби қонунбузарликлар Қўшқўпир туманида ҳам аниқланди. Чорвачиликка ихтисослаштирилган 9 та фермер хўжалиғига жами 41,4 гектар экин майдони



қонунга зид равишда ажратиб берилган. 8 та фермер хўжалиғига ҳақиқатда 755 та қорамол бўлса-да, туман статистика бўлимига 1124 та, 3 та фермер хўжалиғига ҳақиқатда 900 та парранда бўлса-да, статистика бўлимига 4700 та парранда мавжудлиги ҳақида ҳисобот тақдим қилинган.

Ўрганиш натижаларига кўра бунга туман ҳокимликлари ўз вазифаларини лозим даражада бажармагани, идоравий назоратнинг сувайтириб юборилгани ҳамда қонунбузилишларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилмагани сабаб бўлган деган хулосага келинди. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари чорва учун ажратилган ердан бошқа мақсадда фойдаланиб келиши гўшт, сут ва туҳум нархининг ўсишига ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан туман ҳокимликларига тақдиминоа киритилди.

Иззатбек РЎЗИМОВ,
Хоразм вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Ўзбекистон ТИВ Хитойдаги ва у ерга бормоқчи бўлаётган ўзбекистонликларни Хитойнинг Ухан шаҳрида тарқалган коронавируснинг янги туридан эҳтиёт бўлишга қақирди.



FAOLIYATIDAN

Қонунни билмаслик баҳона бўлолмайди

Мажбурий ижро бюросининг Учқудуқ тумани бўлими 2019 йилнинг 11 ойи давомида энергия ресурслари етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини мустақамлаш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширди.

Туманда электр энергияси бўйича 2548 та (жисмоний шахслар 2036 та, юридик шахслар 512 та) истеъмолчи мавжуд. Қарзларни тўлаш бўйича истеъмолчиларга 949 та талабнома берилиб, 492 млн. сўмлик қарзлар тўланиши таъминланди.

Қарзини ўз вақтида тўлама-

ган 28 та истеъмолчи тармоқдан узилди ва улардан жами 68 млн. 975 минг сўмлик қарз ундирилди.

Нагжидада ўтган йилда жами 3 млрд. 594 млн. 55 минг сўм ундирилиб, режа 112,5 фоизга бажарилди. Қарздорлик 25 млн. 800 минг сўмга камайишига эришилди.

Бундан ташқари, электр энергиясидан ноқонуний фойдалангани ва қарздорлиги

туфайли тармоқдан узилган истеъмолчилардан 35 таси тармоққа улашиб, улардан 43 млн.

ди. Жумладан, Учқудуқ тумани «Йўлчилар» ОФЙда яшовчи О.Ш. тармоққа ҳисоблагичсиз,

МЖТКнинг 101-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориди (1 115 000 сўм) жарима ҳам тўлади.

Юқориди баён қилинган қонунбузилишлар айрим юрtdошларимизнинг қонунларни билмаслиги ёки билишни истамётганидан далолат беради.

Хусан КАРИМОВ,
МИБ Учқудуқ тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

15 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 16 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

986 минг сўм қайта улаш тўловини ундирилди.

Бу даврда электр энергияси соҳасида 15 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 16 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортил-

дигридан-тўғри улашиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келгани ва давлатга 1 млн. 217 минг сўмлик зарар етказгани аниқланган. Ҳуқуқбузар зарарни тўлик қоплаб,

Жазо кор қилмаган оталар

Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг буйруғига асосан И.Ж.дан воёга етмаган икки фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдориди алимент ундириш белгиланган эди.

У 2015 йил август ойдан 2019 йил январь ойига қадар алимент пулини тўлашдан бўйин товлагани учун Бухоро тумани маъмурий судининг қарори билан 15 сутка қамқоқ жазосини ўтади. Бироқ қарздор бундан хулоса чиқармай фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлади. Отанинг алиментдан қарзи 26 млн. 879 минг 94 сўмга етди. Мазкур ҳолат юзасидан МИБнинг Бухоро тумани бўлими томонидан И.Ж.га нисбатан

жиноят иши кўзгатилади.

Яна бир ҳолат. Фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг буйруғига асосан А.Х. воёга етмаган фарзанди таъминоти учун ҳар ойда алимент тўлаши керак эди. Аммо алиментни икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламагани сабабли унга Жондор тумани маъмурий судининг қарорига асосан 5 сутка маъмурий қамқоқ жазоси қўланди.

Жазо отага кор қилмади. У 5 ойдан ортиқ муддат мобайнида алимент тўламагани учун қарзи 5 млн. 799 минг 290 сўмга етди. Унга нисбатан ҳам жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув ишлари киришилди.

Давлат РАЖАБОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

Мажбурий ижро бюросининг Денов тумани бўлими томонидан «Боғиэрам» МФЙда яшовчи фуқаронинг хонадонидида қўлбола оҳақ цехи ташкил қилингани фoш этилди.



Қўштирноқ ичидаги тадбиркор

Ҳуқуқбузар умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, 3 та қозон ҳамда 4 та горелкадан оҳақ тайёрлашда фойдалангани, жами 22,5 миллион сўмлик табиий газни ноқонуний ишлатиб, туман газ қорхонасига моддий зарар етказгани аниқланган. Аммо ҳуқуқбузар зарарни тўлик қоплаб бергани сабабли унга нисбатан жиноят

иши кўзгатиш рад этилган.

Бу каби ҳолатларининг олдини олиш мақсадида бюронинг вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Равшан НАМАЗОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Зарар тўлиқ тўланди

Бешарик тумани «Қияли» МФЙга бириктирилган давлат инспектори таҳлиллар давомида Шоодақозик қишлоғида яшовчи Азимжон Боймуродов сўнгги икки йил мобайнида фойдаланган электр энергияси

учун ён қўшниларига нисбатан бир неча баробар кам ҳақ тўлаб келаётганини аниқлайди. Бюронинг туман бўлими ходимлари унинг уйини кўздан кечирган-

да бунинг сабаби аён бўлади. Яъни, А.Боймуродов хонадонидида турли электр жиҳозларини яширинча тармоққа улаб олиб, ноқонуний фойдаланиб келгани фoш этилади.

Ҳуқуқбузар давлатга етказилган зарарни тўлашини маълум қилди. Унга жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кун мобайнида етказилган зарарни қоплаган тақдирда

жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тушунтирилди. Тўрт кун ичида 22 млн. 490 минг сўмлик зарарни қоплаган ҳуқуқбузарга нисбатан жиноят иши кўзгатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шокиржон МАДУМАРОВ,
МИБ Бешарик тумани бўлими бошлиғи



Қарздор телефон пеленги орқали топилди

МИБ Бухоро шаҳар бўлими иш юритувида бўлган фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг буйруғига асосан Фуркат Ядгаровнинг фарзанди учун алиментдан 16 ойлик, яъни 8 миллион 706 минг 336 сўмлик қарзи бор эди.

МИБ томонидан қидирув ишлари олиб борилди. Қидирув жараёнида юборилган сўров хати, телефон хизмати пеленг маълумотларига асосан Ф.Ядгаровнинг Тошкент шаҳридаги манзили аниқланди.

Бухоро шаҳар судининг 2019 йил 18 декабрдаги қарорига асосан ўз вақтида алимент тўламаган қарздор 15 сутка маъмурий қамқоқ жазосини ўтайдиган бўлди.

Ёрқин АЛМОСОВ,
МИБ Бухоро шаҳар бўлими давлат ижросис

Яширин цехнинг зарари

Мажбурий ижро бюроси Самарқанд тумани бўлими ходимлари электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш бўйича Пулимўғоб маҳалласида текшириш ўтказди.

Аниқланишича, фуқаро Холида Қаюмова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хонадонидида ширинлик ишлаб чиқариш цехи ташкил қилган. Битта уч камерали ва иккита бир камерали электр печларни умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзбошимчалик билан улаб олган. Ҳолат бўйича керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Ш.Шокирова электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб, Самарқанд тумани электр тармоқла-



ри қорхонасига 130 млн. 558 минг сўм моддий зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан Мажбурий ижро бюросининг Самарқанд тумани бўлими томонидан Ш.Шокировага нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Шоҳжаҳон ХУРРАМОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси бўлим катта инспектори



FAOLIYATIDAN

ХИЗМАТ ВАКОЛАТИМИЗ ДОИРАСИДА

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2019 йилнинг 11 ойи мобайнида иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид 123 та жиноят ва 320 та маъмурий ҳуқуқбузарлик фош этилди.

Ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалага киритилган 2 млрд. 437 млн. сўмлик моддий бойликлар олиб қўйилди. Давлат бюджетига 7 млрд. 666 млн. 800 минг сўм қўшимча маблағ ҳисобланиб, 6 млрд. 130 млн. 200 минг сўми ундирилди.

Хусусан, «Йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси Нукус филиали мансабдорлари давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида солиқ ҳисоблаш

ўрни яратилди. Шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларни солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини барпо этишга қаратилган тарғибот тадбирлари натижасида 176 та ҳўжалик юртувчи субъектда 203 та иш ўрни яратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, олиб бориш тезкор тадбирлар натижасида чет эл валютасининг юртимизга олиб кирилиши ва олиб чиқиши билан боғлиқ 121 та ҳолат аниқланди ва ҳуқуқбузарлик учун жазо муқаррарлиги таъминланди. Ноқонуний муомалага киритилган 111 минг 898 АҚШ доллари, 303,6 минг Россия рубли, 4 млн. 691 минг 425 Қозғоғистон тенгеси ва 1 млрд. 502 млн. 800 минг сўм ашёвий далил сифати-

СОХТА ХОДИМЛАРГА ҲУҚМ ЎҚИЛДИ

Департаментнинг Сурхондарё вилояти бошқармасига қисқа вақт ичида бир неча фуқародан шикоят аризаси келиб тушади.

Аризаларда ёзилишича, ўзини Давлат хавфсизлик хизмати ходими деб таништирган икки киши уларни турли давлат органларига ишга киритиб қўйман деб алдаб, пулларини олиб кетган. У.Б.нинг аризасида ўзини ДХХ ходими деб таништирган икки шахс уни ички ишлар органига ишга киритишни ваъда қилиб, аввал 1000 АҚШ доллари, кейинроқ яна 1 млн. 700 минг ва 1 млн. 900 минг сўм ҳамда 200 АҚШ доллари олишгани, энди ишни тезроқ битириш учун яна 2 млн. 200 минг сўм талаб қилаётгани баён этилган эди.

Мазкур ҳолат бўйича тезкор тадбир ташкил қилинди ва «ДХХ ходимлари» ашёвий далил билан қўлга олинди. Суриштирув жараёнида эса уларнинг барча қилмишлари фош этилди.

Узун туманида яшовчи, аввал ҳам икки марта фирибгарлик жиноятини содир қилиб, суд ҳукми билан жазога тортилган Н.Х ва Ж.А. навқирон 25 ёшда. Аммо улар жазодан ҳулоса чиқармаган экан. Бу йигитлар қисқа вақт ичида етти кишини чув туширгани одамлар ишончига киришнинг ҳадисини олганидан далолат беради. Улар фуқароларга ўзини Давлат хавфсизлик хизмати ходими сифатида таништириб, режаларини амалга ошириб кетаверган.

Дастлаб улар Д.У.нинг ишончига кириб, унга пойтахтимиздаги Жаҳон тиллари университетига ўқишга киритамиз деб ваъда беришди ва 3000 долларини олиб, ўз эҳтиёлари учун ишлатиб юборишди. Фирромлик билан ўқишга киришни мақсад қилган Д.У. эса шунча пулидан айрилиб қолаверди.

Уларнинг тўрига илинган кейинги фуқаро эса Ш.Т. бўлди. У ҳам давлат божхона органларига ноқонуний йўл билан ишга кириш орзусида фирибгарларга 400 доллардан ошқ пулини ўз қўллари билан тоширган экан.

Чув тушган яна икки фуқаро эса пул билан ДХХнинг чегара қўшинларига ишга киришни ихтиёр этган. Аммо



бундай ишнинг охири вой бўлишни тушуниб етганларида бири 500 доллар, иккинчиси эса 2700 доллар ва 7 млн. 800 минг сўм пулини фирибгарлар қўлига тошириб бўлганди.

Н.Х ва Ж.А бозорларга ҳам кириб, ўзларини ДХХ ходими сифатида таништиришар ва турли нарсаларни олиб, пулини кейинроқ беришни айтиб, тадбиркорларни ҳам чув тушириб кетавершар эди.

Жиноят ишлари бўйича Термиз тумани суди томонидан ёлғончиликни қасб қилган бу икки кимсага нисбатан ҳукм ўқилди. Улар етти йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Акбар ХОЛМАМАТОВ,
департаментнинг Қизилқум тумани бўлими бошлиғи

ДОРИ СОТГАНИ КАМЛИК ҚИЛДИ

Фуқаро Ж.М. жиноят содир этиб, унинг жавобини бермай туриб яна жиноятга қўл урди. Бу сафар у ўз шеригига фириб бермоқчи бўлди. Гап шундаки, 2019 йил 31 март куни Ж.М. ва шериги А.Н.га нисбатан ўтказилган тезкор тадбирда улардан ноқонуний муомалага киритмоқчи бўлган 145 дона «Трамдол» гиёҳвандлик воситаси олинган эди. У бу ишни ижобий ҳал қилиш эвазига ўзига таниш бўлган ИИБ ходимига 1500 АҚШ доллари миқдорда пора бериш кераклигини айтиб, А.Н.дан Қўқон шаҳар Х.Тура кўчаси 49-уйда кимёвий ишлов берилган 1500 АҚШ долларини қўлга киритган вақтда департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси ва вилоят ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди томонидан фуқаро Ж.М.га оид жиноят иши кўриб чиқилиб, унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Отабек АЗИМОВ,
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

КЕЛГУСИ СОНДА

Тадбиркорлик учун ер сўраган фуқародан туман қурилиш бўлими бошлиғи пора талаб қилди.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalriga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [i] — tijorat materiali.

Buyurtma v-4023.
20 370 nusxada bosildi.
Oqoz bichimi A-3, hajmi 3 besma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida tahrir va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbachi muharrir: KASADOV
Sahifalovchi: S.BOBOLJAYOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Алижон ПАЛВАНОВ,
департаментнинг Янгибозор тумани бўлими бошлиғи

ФВВ Тошкент вилоятининг Чимён ҳудудида дам олаётган фуқароларга эҳтиёткорлик чораларини кўришни ва қор кўчиши хавфи мавжуд бўлган жойларга бормасликни сўради.



Бу борада Ўзбекистон 3-ўринда

Хабарингиз бор, Таиланд давлатида ўртага Токиода бўлиб ўтадиган олимпиада йўлланмаси тикилган футбол бўйича Осиё чемпионати (U-23) давом этмоқда.

Мусобақанинг «D» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси жиддий рақиблар синовидан ўтди.

Эътиборга молик жиҳати, турнир давомида у билан боғлиқ турли маълумотлар эълон қилинмоқда. Мисол учун, Германиянинг «Transfermarkt» портали Осиё чемпионатида қатнашаётган жамоалар футболчиларининг ўртача ёши, нархи ҳамда умумий трансфер баҳосини эълон қилди.

Унга қўра Осиёнинг энг қimmatбаҳо олимпиада жамоалари рейтингини Япония бошқармоқда. Қунчиқар мамлакат жамоасининг умумий трансфер баҳоси 16,3 миллион еврога тенг. Бу ҳар бир футболчининг ўртача нархи 709 минг евро демакдир.

Иккинчи ўринни Жанубий Корея олимпиячилари банд этган. Гуруҳдаги рақибларимизнинг умумий баҳоси 11,45 миллион еврога тенг тақдирда. Ҳар бир футболчи ўртача 498 минг еврога баҳоланган.

Осиё чемпионатининг амалдаги голиби саналмиш Ўзбекистон олимпиада жамоаси рейтингнинг 3-ўриндан жой олган. Друлович шогирдларининг умумий трансфер баҳоси 8,68 миллион еврога тенг бўлса, ҳар бир футболчининг ўртача нархи 377 минг еврога баҳоланган. Ҳамюртларимиз ўртача 21,9 ёшда.

Ҳар жабҳада рақобат

«Барселона» – «Реал»: бу икки буюк жамоа йилига камида икки марта бир-бирига рўбарў келади ва бутун дунёни иккига бўлиб қўяди.

Чунки сайёрамизда бу икки жамоага муҳлислик қиладиганларнинг саноғи бўлмаса керак. Шу сабабли бу икки клуб ўртасидаги рақобат нафақат майдонда, балки майдондан ташқарида ҳам, муҳлислар ўртасида ҳам жиддий тус олган.

Бу жамоалар совринлар ютиш борасида ҳам ким ўзига бахшлашиб бормоқда. Яқин-яқингача «Барселона» устунлик қилиб турган эди. «Реал» 12 январь куни Испания суперкубоғи финалида «Атлетико» клубини тақдир этиб, совринлари сонини 91 тага етказди ва бу кўрсаткич бўйича «Барселона»га етиб олди.



Мессининг нархи тушмоқда

«Transfermarkt» портали кетма-кет учинчи марта «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионель Мессининг трансфер баҳосини камайитрди. Натижада жаҳоннинг энг қimmatбаҳо футболчилари рўйхатида аргентиналик 32 ёшли футболчи 8-ўринга тушди. Унинг трансфер бозоридаги ҳозирги нархи 140 миллион еврога тенг.

«Барселона» клуби сардоридан олдинги ўринларда «Пари Сен-Жермен» ҳужумчиси Килиан Мбаппе (200 млн. евро), «Манчестер Сити»дан Раҳим Стерлинг ва «Пари Сен-Жермен»дан Неймар (160 млн. евро), шунингдек, Садио Мане ва Мухаммад Салоҳ («Ливерпуль»), Ҳарри Кейн («Тоттенхэм») ҳамда Кевин де Брюйне («Манчестер Сити») (барчаси 150 млн. евродан) сингари футболчилар жой олган.

Мессининг ушбу мавсумда «Барселона» клуби таркибидан 20 ўйинда майдонга тушиб, 16 та гол ва 9 та голли узатмага муаллифлик қилган.



Каванига яна бир даъвогар пайдо бўлди

ПСЖ ҳужумчиси Эдинсон Кавани фаолиятини «Тоттенхэм»да давом эттириши мумкин. Ҳарри Кейн жароҳатлангани туфайли «шпорлар» айни дамда ҳужумчи изламоқда. Лондонликлар бу борада Кишинтоф Пентек («Милан») вариантини ҳам кўриб чикмоқда.

Аввалроқ Каванининг «Атлетико»га ўтиши мумкинлиги хабар қилинган эди.



Мустафи январда кетади

«Лондоннинг «Арсенал» жамоаси ҳимоячиси Шкордан Мустафи кишки трансфер чоғида жамоани тарқ этиши тобора аён бўлиб бормоқда, – деб хабар бермоқда «Footas» нашри.

Айни дамда футболчининг агенти Истанбул шаҳрида бўлиб турибди. У Туркиянинг «Галатасарай» жамоаси билан учрашиш учун Истанбулга етиб борган. Маълумотларга қараганда, Туркия жамоаси ҳимоячини сотиб олиш шартин билан ижарага олишни режалаштирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 27 ёшли ҳимоячи ортда қолётган мавсумда атиги учта ўйинда қатнашди ва битта голли узатмага муаллифлик қилди.



Хайр Вальверде, ҳуш келибсан, Кике!

Нихоят барча гап-сўзларга нукта қўйилди: «Барселона» клуби бош мураббийи Эрнесто Вальверде истеъфога чиқарилди ва унинг ўрнига янги бош мураббий тайинланди.

55 ёшли Эрнесто «Барселона» жамоасини 2017 йилдан бери бошқариб келаётган эди. Клуб унинг қўли остида 163 та расмий ўйин ўтказиб, 108 та галаба (66,25 фоиз), 35 та дуранг ҳамда 20 та мағлубият қайд этди. Бу вақт давомида икки бор Испания чемпиони бўлди, бир мартадан мамлакат кубоғи ҳамда суперкубоғини қўлга киритди.

Клуб 17 йил ичида илк марта мавсум ўртасида мураббийини истеъфога чиқарди. Томонлар шартномани бекор қилиш борасида келишувга эришган.

Вальверденинг ўрнига «Бетис» клубининг собиқ устози Кике Сетьен «Барселона» бош мураббийи этиб тайинланди. Маълумотларга қўра, 61 ёшли испаниялик мутахассис жамоа билан 2022 йилга қадар шартнома имзолаган.

Хўш, Кике ким ўзи?

Ушбу мутахассис 20 йиллик мураббийлик тажрибасига эга. У ўзини «Барселона» клубининг машҳур мураббийи Йохан Кройффнинг шогирди деб ҳисоблайди. У ўз жамоаларида доимо узатмаларга асосланган футболни тарғиб қилган. Шу боис ҳам «Барселона» уни ўз сафига қорлаган бўлса не ажаб.

Мураббийлик фаолиятида «Расинг» (2001-2002), «Полидепортиво» (2003-2004), Экваториал Гвинея (2006-2007), «Логроньес» (2007-2008), «Луго» (2009-2015), «Лас-Пальмас» (2015-2017), «Бетис» (2017-2019) клубларини бошқарган.

«Бетис»ни қабул қилган биринчи мавсумда Ла лигада 6-ўринни эгаллаб, Европа лигаси гуруҳ босқичида иштирок этган. Жамоа мусобақанинг 1/16 финал босқичида Франциянинг «Ренн» клубига ютказиб, мусобақани тарқ этган.

Андалусияликлар Испания чемпионатининг ўтган мавсумида 10-ўринни олганидан сўнг мураббий «Бетис»дан кетишга қарор қилди. Ваҳоланки, клуб билан унинг яна бир йиллик шартномаси бор эди.

Кике Сетьен «Барселона»ни «Камп Ноу»да мағлуб этган сўнгги мураббий бўлиб турибди. 2018 йилнинг ноябрь ойида «Бетис» каталонияликлар майдонида 4:3 ҳисобида галаба қозongan эди. Шунингдек, ўтган мавсумда у Мадриднинг икки жамоасини мағлуб этган.

ФИФА президенти Халқаро олимпиада қўмитаси аъзосига айланди

ХОҚнинг Лозанна шаҳрида бўлиб ўтган 135-сессиясида ФИФА президенти Жанны Инфантино Халқаро олимпиада қўмитаси аъзоси этиб сайланди. Бу ҳақда ФИФА расмий сайти маълум қилди.

«ФИФА президенти сифатида ХОҚ аъзолигига сайланганидан ва олимпиада ҳаракатида фаол иштирок этишдан мамнунман. Спортни бутун дунё бўйлаб, кенг миқёсда ривожлантиришга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан», – деди ФИФА президенти.

Эслатиб ўтамиз, Токио шаҳрида ўтказиладиган олимпиада ўйинлари доирасида футбол мусобақаси 2020 йилнинг 22 июлидан 8 августга қадар давом этди. Эрақлар ҳамда аёллар ўртасидаги ўйинлар олтига шаҳарда жойлашган 7 та стадионда бўлиб ўтади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент шаҳар прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Ашир КАРАКЕТОВИЧнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди.